Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 179 (3680)
ЧОРШАНБА
9 АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Тошкент темир йўли бўлимининг «Ўзбекистон» станциясидаги Галина Денисовна Кичаева бошлиқ смена коллективи вагонларнинг тўхтаб туришини камайтириб, вагон оборот қилиш топшириғини ортиғи билан адо этиб, олти ойлик натижалари бўйича станциядаги тўрт смена ўртасидаги социалистик мусобақада голиб чиққан эди. Коллектив етти ойликни ҳам барча кўрсаткичлар бўйича анча ортиғи билан адо этди. Ҳозир бу сменада вагонлар станцияда нормадаги 40 минут ўрнига 28-29 минут тураяпти. Бу Тошкент темир йўли бўлими бўйича юқори кўрсаткичдир.

Сменада СССР янги Конституцияси кунини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун курашда вагонларни кўздан кечирувчилар М. Тожихонов, А. Колбуи, депо бўйича навбатчи М. Мирзаев, машинист А. Колберг кўпчиликка намуна бўлишяпти. Улар юксак малакаликлари ва ташаббускорликлари, топширилган вазифага масъулият билан қарашлари туфайли коллектив ютуқларига салмоқли ҳисса қўшаяптилар.



Кўплаб кенг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқараётган Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли ўртасида йиллик топшириқларни улуғ сана — СССР Конституцияси кунига адо этиш борасида бошланган умумхалқ мусобақаси ой сайин кенг авж олмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада ана шундай ташаббусга қўшилган ёш илғор ўровчи, комсомол аъзоси Муаззам Сандқосимовани кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

◆ БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Улар айни кунларда ўз зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини ВЛКСМнинг шонли 60 йиллик тўйигача бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Масалан, Насиба Саъдуллаева бригадаси беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилган. Аҳдига вафодор чеварлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун кун сайин мусобақа байроғини баланд кўтаришмоқда.

Бригадада илғорлар жуда кўп. Шулардан бири Озода Абдуллаевадир. У бир неча йилдан бери ана шу корхонада меҳнат қилиб келяпти. Доимо смена топшириқларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга намуна кўрсатяпти. Ҳозир унинг шахсий меҳнат календарида 1980 йил бошланди. У бундай муваффақиятларга вақтдан, хом ашёдан, илғор иш усулларидан қилона фойдаланаётганлиги туфайли эришмоқда. У шу билан бирга жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб, Зумрад Йўлчиева, Шаҳло Аҳмедова каби ёш чеварларга мураббийлик ҳам қилмоқда. Унинг шогирдлари ҳам беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариб, комсомол тўйини муносиб меҳнат армуғони билан кутиб олиш ниятида тер тўкишмоқда.

Н. НАБИЕВА.

ҚИШЛОҚҚА — САМАРАЛИ ЁРДАМ

Тошкент шаҳар партия комитети пленумидан

Кеча шаҳар партия комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг XIV пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми, унда ўртоқ Л. И. Брежнев қилган доклад, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорлари талаблари асосида шаҳар партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев доклад қилди.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари, деди у, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллаб қолдилар. Пленумда илгари сурилган қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг кўпгина муҳим вазифаларини амалга оширишга, саноат ва илмий-техника потенциалини янада ривожлантиришга етакчи ўрин берилмоқда. Тошкент партия ташкилотлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб боряпти.

Фақат ўнинчи беш йилликнинг икки йили йили мобайнида шаҳар саноати қишлоқ меҳнаткашларига 63 минг трактор, 94 мингдан зиёд трактор прицеплари, 21,5 минг пахта териш машинаси, 3317 дона МТЗ—80Х тракторлари, 21,6 минг сеялка, 11,2 минг пуркагич-чанглагичлар, 3,6 минг экскаватор 75 миллион сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар, узел ва агрегатлар етказиб берди.

«Ташсельмаш», трактор, «Ўзбексельмаш» ва бошқа шу сингари йирик заводларда «Ўзбекистон» каби юқори унумли пахта териш машиналари, ингичка толали пахтани теришга мўлжалланган кенг катордли машиналар, янги қудратли МТЗ-80Х тракторлари, такомиллашган кўсак чувиш агрегатлари ва бошқаларни сериялаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг фаолиятида хали ҳам камчиликлар ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар бор. Бир қатор заводларда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ҳажми сўнг ўсмоқда, ҳамон эскириб қолган конструкциялари машиналарни ишлаб чиқариш давом этмоқда, холбуки, улар замонавий, талабларга жавоб бермайди.

Шаҳар партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси ғоят қисқа муддатда бу ва бошқа камчиликларга барҳам бериш, машинасозлар олдида турган вазифаларни ҳеч сўзсиз бажариш юзасидан амалий чоралар кўриш, ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнатчининг республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада комплекс механизациялаш масалаларини ҳал этишдаги конкрет ҳиссасини аниқлашдир. Ўн биринчи беш йилликда йилига пахта териш машинаси ишлаб чиқаришни 15 мингтага етказиш, МТЗ—80Х тракторларини 35 мингга етказиш, тўкилган пахтани терадиган агрегатларни 2,5 марта, кўсак чувиш агрегатларини бир ярим марта кўпайтириш вазифаси турибди. Юқори унуми, тежамлилиги ишга чидамлилиги билан ажралиб турган янги замонавий машина ва механизмларни яратиш ва ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Бу муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишнинг йўли реконструкция ва техника жиҳатдан жиҳозлашни жадаллаштиришдир. Шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс планига мувофиқ «Ташсельмаш», трактор, «Ўзбексельмаш», агрегат ва бошқа заводларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш вазифаси турибди.

Бироқ, таҳлил шуни кўрсатаяптики, реконструкция ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ҳозирги талабларга жавоб бермаётир. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой», «Минмонтажспецстрой»нинг бир қатор қурилиш ташкилотлари фаолияти жиддий ташвиш туғдираётир. Уларда ишга туширилаётган объектлар муддатига риоя қилинмаётир. Трактор заводида темирчилик-пресслаш корпуси, «Ташсельмаш»да кичик серияли цех, агрегат заводида қуюв ишлаб чиқариши, «Ўзбексельмаш»да бир қатор объектлар қурилиши ва реконструкцияси суст олиб борилмоқда.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг вазифаси ишнинг бу муҳим соҳасига раҳбарлик самарадорлигини оширишдир.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, илмий, лойиҳалаш-технологик ташкилотлар ва конструкторлик бюроларининг фаолиятида партиявий раҳбарлик даражасини муайян даражада яхшиташни талаб қилади. Сўнгги йилларда бу коллективлар 5 мингдан зиёд замонавий машина, прибор ва аппаратлар, автоматлаштириш воситалари, технологик ва поток линиялар серияларини ишлаб чиқишди ва ўзлаштиришди. Машина, узел ва агрегатларни унификация қилиш ва стандартлашдан юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Масалан, «Ғоядан — уни ишлаб чиқаришга жорий этишгача!» принципи асосида иш олиб бораётган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қуюв, темирчилик-пресслаш, пайвандлаш ишлаб чиқариши, узелларни механик суратда қайта ишлаш ва узел конструкцияларини йиғиш, қишлоқ хўжалик машинасозлик корхоналарида янги материалларни ўзлаштириш технологиясини ва техника жиҳатдан жиҳозлашни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу эса пахтачилик учун янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муддатларини жиддий қисқартиришга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, яратилаётган машиналарнинг техник савияси, уларнинг чидамлилиги ва узоқ муддатгача ишлаши замонавий, талаблардан ортда қолаётганини таъкидлаш зарур. Бир қатор илмий-тадқиқот институтлари фаолиятида пахта тозалаш саноатини техника жиҳатдан қайта қуроллантириш масалалари самарали ҳал этилмаяпти. Кўп қўл меҳнати талаб қиладиган пахтани қабул қилиш ва жойлаштириш ишларини механизациялаш лойиҳалари суст ишлаб чиқилмоқда.

Район партия комитетлари, лойиҳалаш-конструкторлик муассасалари бошланғич партия ташкилотлари бу муҳим соҳани алоҳида назорат остига олишлари, лойиҳачилар, конструкторлар ишининг самарадорлиги ва сифатини оширишга эришишлари зарур. Коллективларда ижодий меҳнат вазиятини яратиш тўғрисида кўпроқ гамхўрлик қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур.

Партиянинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган йўлини амалга ошириш фаннинг роличи хар томонлама ошириш билан боғлиқдир. Илмий муассасалар коллективлари жуда кўп иш қилишди. Олимлар, селекционерлар, агрохимиклар, агротехниклар, ва бошқа кишиларнинг муваффақиятлари яхши маълум. Фақат сўнгги йилларгина улар томонидан пахтанинг жуда кўплаб янги навлари яратилгани, бундан ҳосилдорлиги, вилтга чидамлилиги ва тез етилиши билан ажралиб туради. Аммо, олим, селекционерлар, қишлоқ хўжалиги фани барча ходимларининг бурчи илмий-тадқиқотлар савиясини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдир.

Шаҳар партия ташкилоти қишлоқ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мунтазам иш олиб бормоқда. Ҳар йили минглаб олий ва ўрта малакали мутахассислар қишлоқ меҳнатчилари сафини тўлдирмоқда. Механизаторларни ва ўрта звено кадрларини тайёрлаш масаласи муваффақиятли ҳал этиляпти. Бу борада Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ва «Ташсельмаш» заводи партия ташкилотларининг иш тажрибалари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва диққат-эътиборга сазовордир.

Шаҳар партия ташкилотларининг вазифаси шундан иборатки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиб бораётган талабларига мувофиқ қишлоқ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга пухта ёндошиш, билим юртлари юқори малакали мутахассислар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг билимдон ташкилотчиларини тайёрлаб бериши учун барча зарур чораларни кўришлари керак.

Партиямизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш программаси шаҳар коммунистлари ва барча меҳнаткашларидан қишлоққа оталиқ ёрдамини ҳар томонлама кучайтиришни талаб қилади. Тошкентликлар қўриқ ернинг Мирзачўл, Арнасой, Октябрь, Пахтакор, Оқ олтин, Ильич, Комсомол ва Дўстлик районларини оталиққа олишган. Шаҳарликларнинг биринчи галдаги вазифаси шуки, оталиқдаги районларнинг механизаторларига йиғим-терим мавсуми бошлангунгача барча қишлоқ хўжалик техникасини намунали шайлаб қўйишга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Шаҳарнинг барча районлари қишлоқ районлари билан биргаликда 1978 йилда оталиқ ёрдами кўрсатиш комплекс планини ишлаб чиқдилар. Бунда қишлоқ механизаторларининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш тадбирлари кўзда тутилган. Клублар, ҳаммомлар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ва бошқалар қуриш белгиланган. Ҳаммаси бўлиб икки миллион сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилади. Район партия комитетлари ана шу белгиланган режаларнинг бажарилиши устидан жуда қатъий назорат ўрнатишлари янада зарур.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришда механизаторлар ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, социалистик мусобақани янада такомиллаштириш катта роль ўйнайди. Бунда партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, халқ назоратчилари, оммавий ахборот ва пропагандаининг барча воситалари учун қилиниши керак бўлган жуда катта иш турибди. Улар мусобақанинг сўнгги натижаларига диққат-марказларида тутиб қолмай, балки илғорларнинг иш услуби ва методларини мунтазам равишда аниқлаб, пропаганда қилишлари ва кенг ёйишлари керак. Бу ишга идеология ишининг барча форма ва воситаларини: сиёсий маориф, пропагандаинг оғзаки ва матбуот, агитация ва ахборот системасини ана шу ишга йўналтириш керак.

Шаҳарнинг барча меҳнаткашлари, деди ўз сўзининг охирида А. А. Ҳўжаев, КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибаларини ишга соладилар, беш йилликнинг учинчи йилини янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлайдилар, КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонтиришга ижозат берғайсиз.

Доклад юзасидан музокараларда Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг термисти А. Сотволдиев, Фрунзе район партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Сергеев, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Р. З. Ҳусаинов, Тошкент агрегат заводи ишчиси Ф. В. Гатина, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти партия комитетининг секретари Н. Ш. Иноятов, «Главсредазирсовхоз строй» партия ташкилотининг секретари А. Г. Абрамов, ўсимдиклар экспериментали биологияси институтининг директори А. Абдуллаев сўзга чиқдилар. Улар партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг қишлоқ учун юқори унумли янги техника яратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни учун илмий-тадқиқотларни тезлаштириш ва жорий этиш юзасидан қилаётган ишлари ҳақида гапириб беришди. Сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдики, хўжаликларга оталиқ ёрдамини ҳар томонлама кучайтириш, моддий-техника ресурслари, кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, қишлоқда идеология ишларини, далалар ва фермаларнинг механизаторлар учун маданий-маиший хизматни яхшилаш зарур. Музокара қатнашчилари ҳал этилмаётган масалаларга эътиборни кучайтирдилар. КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X Пленуми қарорларини амалга оширишга ҳар бир меҳнат коллективининг кўшадиган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. А. С. Воеводин Тошкент шаҳар партия комитетининг ташкилий бўлими мудири қилиб тасдиқланди. В. Т. Покутнев шаҳар партия комитетининг маъмурий органлари бўлимининг мудири, Н. Б. Даминов шаҳар партия комитетининг савдо-молия органлари бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов қатнашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ҚУВВАТ ОШМОҚДА

БУГУН

яқинда фойдаланишга топширилган «Ўзхлодторгмонтаж» трестига қарашли тажриба-ремонт механика заводининг электр двигателларини ремонт қилиш цехида маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси циклини созлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Заводдаги холодильниклар ва омборхоналар, бошқа зарур биноларни кенгайтириш билан боғлиқ холда бу ускуналарни ремонт қилиш учун олинаётган буюртмалар ҳам кўпайиб бормоқда. Шу боисдан ҳам завод ўз территориясини тобора кенгайтиряпти. Янги ишга туширилган цехда юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ускуна ва дастгоҳлар, маҳсулот сифатини автомат усулида назорат қилувчи стендлар ўрнатилган.

БАЙРОҚДОР УСТАХОНА

Давлат Иттифоқ олий ўқув юртлари биноларини лойиҳалаш институтининг Тошкентдаги комплекс устахонаси меъморлари асосан ёшлардан иборат. Шунга қарамай коллектив зонал устахоналар орасида пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Кетмакет уч йилдан бери биринчи ўринни эгаллямоқда.

— Ҳозир ҳам Москвадаги бош институтнинг кўчма Қизил байроғи бизнинг қўлимизда. Етти ойлик планни 108 процент адо этдик, — дейди комплекс устахона раҳбари А. Г. Асадов.

Коллектив ярим йилликда ўндан ортиқ йирик объектнинг лойиҳасини чизиб берди. Жумладан, Самарқанд Давлат университетининг бош ўқув корпуси ва студентлар шаҳарчаси учун спорт комплексининг техник лойиҳалари. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув-лаборатория корпуси ва Ўрта Осиё медицина педиатрия институти бош ўқув корпусининг ишчи лойиҳалари тайёрланди.

Шу ой оҳиригача меъморлар яна 5 та объектнинг чизмасини тайёрлаб беришади.

БУГУН

А. Эргашев раҳбарлигидаги архитекторлар гуруҳи Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Фарғона филиали учун ўқув-лаборатория корпусининг ишчи чизмасини яратди.

ТРЕСТ ИШ БОШЛАДИ

БУГУН

шаҳримизда яна бир янги қурилиш трести иш бошлади. Республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги қошида иш бошлаган бу ташкилот ҳозирги пайтда мавжуд бўлган маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини капитал ва жорий ремонт қилиш ва уларда замонавий техника воситаларини ўрнатиш хамда ишга тушириш билан шуғулланди.

ЭЛЛИКТА ТУРИСТИК ГРУППА

Шу кунларда шаҳримиз музейлари, диққатга сазовор жойлари туристлар билан айниқса гавжум. Улар орасида болалар ва ўсмирлар ҳам анчагина. Ёш туристларга республика Марказий экскурсия-туристик станцияси хизмат кўрсатмоқда. Ушбу станциянинг базасига яқин орада Россия Федерацияси, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа республикалардан 50 дан ортиқ туристик группа келиб кетди. Айниқса, Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё областлари мактабларининг ўқувчилари тез-тез меҳмон бўлишяпти.

Ёш туристлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, янги турар жойлари билан танишмоқда. Шаҳар мактаблари-нинг ўқувчилари билан қизиқарли учрашувлар уюштирилянти.

Туристик база экскурсантлари С. Каримов ва Х. Тошпўлатовнинг суҳбатлари туфайли меҳмонлар бой таассурот олмоқдалар.

— Бу йилги мавсум охиригача яна мингдан ортиқ ёш туристларга хизмат кўрсатамиз, — дейди база директори Юсуф Болтаев.

• КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

• ЯНГИ ТЕХНИКА — ДАЛАГА

• «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

• ОЛИМЛАР ВА КОНСТРУКТОРЛАР ҲИССАСИ САЛМОҚЛИ БЎЛСИН

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

☆ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 7 август куни Кримда Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан учрашди.

Суҳбат давомида КПСС билан РКП ўртасида, совет ва румин халқлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришнинг туб йўналишлари ва истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олинди.

☆ **Прогресс-3» автомат юк транспорт кемаси учирилганлиги ҳақида ТАСС ахбороти эълон қилинган.**

◆ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

Ўқув базаси мустаҳкам

Янги ўқув йилида Акмал Икромов райони мактабларида 36 минг ўқувчи таълим-тарбия олади. Райондаги В. И. Ленин номли 116-ўрта мактаб ва унинг қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби каття даргоҳ. Бу ерда 2300 дан ортиқ ёшлар билим олишади.

БУГУН

район маорифчилари яқинлашиб келаётган ўқув йилига тайёргарликни тугаллашди. 24 умумий таълим мактаблари, 4 ишчи-ёшлар мактаби, 2 музика мактаби, 2 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва ўқув-ишлаб чиқариш комбинати сифатли ремонт қилинди. Жорий ва капитал ремонт ишларига 290 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Мактаблар нинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга асосий эътибор берилди. Ҳозиргача 55 минг сўмлик жиҳозлар ва кўргазмали воситалар олинди. Мактабларнинг кутубхона фонди учун 18 минг сўмлик дарсликлар ва қўлланмалар тахт қилиб қўйилди.





Илмсевар ёшларимизнинг билим олишлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Олий ўқув юртлари ида кириш имтиҳонлари қизғин олиб борилмоқда. Тошкент фарма цевтика институтида бу имтиҳонлар намунали ўтмоқда.

СУРАТЛАРДА: андижонлик Гулнора Ҳасанова (чапда) ўрта мактабни олтин медаль билан битириб келиб, шу институтда химиядан имтиҳонни «аъло» баҳога топширди; ўнгда — абитуриентлардан химия фани бўйича имтиҳон олинаяпти.

Е. Ботиров фотолари.



САФАРДАГИ МАҒЛУБИЯТ

Мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида Одессада маҳаллий «Черноморец» командаси билан ўйнаган «Пахтакор» йирик ҳисобда — 1:4 мағлубиятга учради. Майдон эгалари дарвозасини ягона тўпни К. Баканов киритди.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Торпедо» — «Арарат» — 1:0, «Зенит» — «Нефтчи» — 1:0, МАСК — «Динамо» (Москва) — 2:4, «Шахтёр» «Спартак» — 1:0, «Днепр» — «Динамо» (Киев) — 1:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Қайрат» — 1:0, «Локомотив» — «Заря» — 1:1.

Энди футбол чемпионатида 20 августга қадар қисқа танаффус бўлади.

телетайп лентасидан

● **БУДАПЕШТ.** Венгрия диёрининг саҳоват-ли неъматлари — арпа ва бугдой, бошқа донли экинлар ўрим-йиғими, Шунингдек сабзавот ва мева йиғим-терими муваффақиятли давом этмоқда.

Мутахассислар бу йилги ҳосил рекордли бўлади, деб тўла асос билан айтмоқдалар. Бугдойнинг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 40 центнергача тўғри келиши кутилмоқда. Бу — чоран аср муқаддам, қишлоқ хўжалиги коллективларига эришилган ютуқларидан қарийб 2,5 баравар юқори.

● **БУЭНОС-АЙРЕС.** Аргентина пойтахтининг денгиз портида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган ва «Сальто гранде» гидроэнергетика комплекси учун мўлжалланган турбиналарнинг деталлари туширилди олина бошланди.

Бу ускуналар махсус траудерлар ва кучли шатакчи кемалар ёрдамида қурилишга элтиб берилади.

Лойиҳадаги қуввати 1 миллион 620 минг киловаттга борадиган «Сальто гранде» ГЭСида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган жами 12 та турбина ўрнатилиши керак.

● **РАНГУН.** Шу мамлакатнинг йилда Бирмада шоли етиштириш ўтган йилдагига нисбатан ярим миллион тонна кўпаяди. Бош министр шоличилик масалалари бўйича иқтисодий кенгашнинг мажлисида шуни маълум қилди. Бош министр мамлакат шоли-корларига ёрдам бериш, давлат кредитларини улар ўртасида ўз вақтида тақсимлаш зарурлигини уқтириб ўтди.

● **КАРОЧИ.** Шу йил июль ойининг охирида Покистоннинг Синг вилоятида бўлиб ўтган қаттиқ жала ёмғирлари оқибатида қирқ тўрт киши ҳалок бўлди, 55 минг уй вайрон бўлди, 500 минг киши бошпанасиз қолди. Газеталарнинг хабар қилишича, 700 минг гектарга яқин экинзор сув остида қолган. Жуда кўп қорамол нобуд бўлган. 500 километрдан ортиқ йўл бузилган. Энг қадимги Хараппа цивилизациясининг дурдонаси бўлмиш Мохенжо-Доро археологик комплексига катта шикаст етказилган.

Кучли тошқин оқибатларини тугатиш учун махсус ҳарбий бўлинмалар сафарбар этилди.

● **ЛОНДОН.** «Мирнинг стар» газетаси хабар қилади: кейинги 3 йил мобайнида олий ўқув юртларини битириб чиққан 30 мингдан зиёд инглиз ўқитувчиси ҳанузгача иш тополмай юрибди.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

• КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — амалда

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев тошкентликларнинг қишлоққа самарали оталиқ ёрдами кўрсатаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу албатта биз машинасозлар учун юксак баҳодир. Бугунги кунда партия қарорларидан илҳомланган коллективимиз мамлакатимизнинг пахтачилик республикалари — Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ҳамда Туркманистон ССР пахтакорларига кўплаб юксак унум билан ишлайдиган турли хил қишлоқ хўжалик машиналари, шу жумладан сеялкалар, кўрак чувиш, подбор териш, ғўзапоя юлувчи агрегатлар, заркунанда ҳашаротларга қарши препаратларни пуркайдиган машиналар етказиб бериш учун кун сайин социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқдалар.

Зарбдор меҳнат йили нинг ўтган ярим йиллигида эришган муваффақиятларимиз қувончли бўлди. Бирлашмамиз меҳнат аҳли ярим йиллик давлат планини 102,1 процент қилиб адо этди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш топшириғи ҳам ортиғи билан адо этилди.

Меҳнат коллективлари ўртасида меҳнат интизомининг тўғри йўлга қўйилганлиги, тартиб-бузарларга нисбатан бирлашма партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари томонидан қатъий чора-тадбирлар кўриб борилганлиги ва янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида социалистик мусобақанинг авж олдириб меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида биздан 14 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари олдилар.

Барча меҳнат коллективлари қатори бирлашмамиз меҳнат аҳли ҳам КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва Узбекистон КП Марказий Комитетининг ХХ пленуми қарорларини кенг муҳокама этмоқда. Республикамизда қишлоқ хўжалик машинасозлиги индустриясининг тез ривожланаётганлигини, республикамизнинг асосий бойлиги ҳисобланган пахтачилигидаги асосий ишларнинг ҳаммаси механизациялаштирилганлигини, энг муҳими машинада пахта териш, чувиш, подбор териш даражасининг 59 процентга етказилганлигининг таъкидлаб ўтилганлиги биз машинасозларга ҳам қувонч ва янада масъулият юклайди.

Бу йилги баҳор об-ҳавосининг ниҳоятда инжиқ келганлиги пахтакорларга бирмунча қийинчиликлар туғдирди. Натижада кўпгина колхоз ва совхозларда чигитни бир неча мартаба экишга тўғри келди. Лекин дала механизаторлари бундан руҳан тушмадилар. Шу кунларда пахтадан мўл-ҳосил етиштириш учун далаларда меҳнат авжида. Ана шу хирмон ни бунёд этишда албатта биз ишлаб чиқараётган машиналар қўл келади. Шунинг учун ҳам УПХ—1,5В марказлаштирилган машиналар ишлаб чиқарилаётган 5-механика-йиғув цехида иш қизғин. Фақат июль ойининг ўзидаёқ ана шундай машинадан 400 тасини тайёрлаб, дала механизаторларига етказиб бердик.

Машинасозларимиз эса, айниқса Жиззах ва Сирдарё областлари механизаторларининг буюртмаларини тез ва сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойи мобайнида фақат 4-механика-йиғув цехи конвейеридан тушган 860 та чигит экиш сеялкалари ва подбор теручи машиналар ҳамда кўплаб эҳтиёт қисмлар чўлқуварлар ихтиёрига жўнатилди. Шу кунларда бирлашмамизнинг ҳар бир цехида, ҳар бир меҳнат участкасида иш қизғин. Ишчилар партия қарорларига жавобан дала механизаторларига серунум қишлоқ хўжалик техникаси етказиб бериш учун, «Оқ олтин»дан улкан хирмон уюшда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун астойдил курашмоқдалар.

У. ШЕРБОЕВ,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-механика-йиғув цехи фрезерчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

ДЕҲҚОННИ ЎЙЛАБ...



Тошкент ёғ-мой комбинати турли ёғ маҳсулотларини, майонезлар, маргаринлар ишлаб чиқаради. Корхона коллективи беш йиллик бошидан бери топшириққа қўшимча етти миллион сўмлик ноёб маҳсулот ишлаб чиқарди.

СУРАТЛАРДА: юқорида— корхонанинг илғор ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори, коммунист Ҳалима Юсупова; ёғ қуйиш участкасининг ҳадоковчиси Тошкент шаҳар Советининг депутати Муҳаббат Рўзиева ҳам зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатмоқда (пастдаги сурат).

Р. Шамсутдинов фотолари. (ЎзТАГ).



Беш йиллик илғорлари

КАСБГА ИХЛОС

Ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эриша бошлаган ишчи коллектив орасида тез кўзга ташланади. Улфат ҳам меҳнат унумдорлигини бирмунча оширишга эришиб, ўз ҳамкасбларидан, коллективдан илиқ сўзлар эшита бошлади. Корхона ва цех илғорлари қаторида унинг номи ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

Лекин бу мақтов ва олқишлардан Улфат мағрурланмас. аксинча янада ўзига талабчан бўлар, самарали меҳнат қилиш йўлларини изларди.

Бўлиб ўтган цех умумий йиғилишида Улфат ўзини анчадан бери ўйлантириб келаётган саволга жавоб топгандай бўлди. Сўзга чиққан ишчилардан бири унумдорликни ошириш учун вақтдан ютиб меҳнат қилиш керак деб қолди. Бу таклиф Улфатнинг миясига худди михланиб қолгандай бўлди.

Демак, вақтдан ютиб меҳнат қилиш, бу самарадорликни оширишнинг асосий омилидир. Буни амалда қўллаш керак. Бир мунча изланишдан кейин у ишни бошқатдан йўлга қўйишга қарор қилди.

Эртасига Улфат ишга бир соат вақтли келди. Дарҳол ўт ёқувчига тегишли камера туйнукларини очиб, конусни кўтариб қўйди. Сўнгра иш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни, ғиштахланадиган паддонлар ва электр карани тайёрлаб қўйди. Сменани қабул қилиб, дастлабки минутларда биринчи паддонни олиб чиқди. Ўша куни у печдан одатдагига нисбатан 1-5 мингта кўп ғишт олди. Бу ҳол ҳар куни муваффақиятли давом эта бошлади.

— Биласизларми,— деди Улфат ҳамкасбларига ўз ташрибасини сўзлаб бераркан.— мен бир йўла 50 минутни тежаб қолдим. Ишга барвақт келиб, конусни кўтариш билан ғиштни тезроқ совушини таъминладим. Паддонларни олиб келиб ва бошқа майда-чуйда ишларни амалга ошириш билан, смена бошланишида шу ишларга кетадиган 35 минутни. бетартиб қилинадиган танаффусларни тартибга келтириш билан. яъни аввалгидек ҳар 4— 5 паддондан кейин эмас, балки ҳар 10 поддондан кейин шартли равишда танаффус қилиш билан 15 минутни тежаб қолдим. Бу дегани 1300— 1400 дона ғишт ишлаб чиқариш демакдир. Бундай қараганда мен бажараётган ишлар арзимагандай туюлади. Лекин ўша арзимас кўринган ишлар замирида катта куч яширинибётибди.

Улфат қўлга киритган бу муваффақият билан чекланиб қолмади. У тинмай изланди. Самарадорликни оширишнинг янги-янги йўлларини қидирди. Тинчимас йигит бунга эришди ҳам. У чаққонлик билан ишлаб, ҳар паддонни юклашдан 30— 35 секундни тежаб қола бошлади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини оширишда асосий роль ўйнади. Улфатнинг тинмай изланиши ва матонатли меҳнати туфайли олтинга тенг қимматли дақиқалар тежалиб, фойдали иш учун сарфланди.

3-ғишт заводида ғишт чиқарувчи бўлиб меҳнат қилиб келаётган Улфат Нигматуллин мана шунақа изланувчан, интилувчан, ҳар бир дақиқанинг қадрини биладиган, меҳнатнинг турмушимизда тутган ўрнини чуқур ҳис этадиган, бугунги кун назари билан эртани кўрувчи, халқимизнинг бахт-саодати йўлида астойдил тер тўкаётган ҳақиқий ишчидир. У ҳар куни ишлаб чиқариш планини 115— 118 процент адо этиб, коллектив илғори деган шарафли номни олаб келмоқда.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Замонавий ва жозибали

БУГУН

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонларида янги маҳсулотларнинг намуналари томошабинлар диққатига ҳавола қилинди.

Виставка намойишига қўйилган бу янги маҳсулотлар ҳозирги кунининг юксак талабларига тўла жавоб бераётган. республикамиз енгил саноатининг тараққий этганлигини кўз-кўз этадиган кийим-кечаклардир.

Республикамизнинг енгил саноатига қарашли трикотаж корхоналарида Москвада бўладиган «Олимпиада— 80» ўйинларига бағишланган ранг-баранг спорт кийимлари тикиб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигини номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг баҳорги— ёзги мавсумга мўлжалланган кийимлари ҳам диққатни жалб этади.

• Республика бўйлаб

СУЛТОНОБОД ҒИШТИ

Андижон областидаги Ильич ғишт заводининг биринчи навбати ишга тушди. Бу ерда бир йилда 26 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккита технология линияси ишга туширилди. Корхона Ильич поселкаси яқинида, Султонобод тепалиги этагида жойлашган. Бу тепалик ейини маҳалда хом ашё манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Заводда барча ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Асосий корпусда ғишт пиширш печлари бўлган яна учта технология линиясини монтаж қилиш учун ҳамма нарса шай қилиб қўйилган. Корхона ўзининг лойиҳадаги қувватига эришганидан кейин бир йилда 130 миллион дона пишиқ ғишт, шунингдек биноларнинг пештоқларини безаш ва терихий ёдгорликларни қайта тиклаш учун пардозлаш ҳамда кошинкор ғишт ишлаб чиқарадиган бўлади.

ЮКСАК БАҲО

«Аъло сифатли маҳсулот учун миннатдорчилик билдирамиз, меҳнатда янги муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз». Намангандаги 2-пахта заводига Гаванадан ана шундай мазмундаги хат келди. Қардош Куба тўқимачилари Намангандаги корхонадан олаётган пахта толасига ана шундай юқори баҳо бердилар. Яқинда пахта тозаловчилар Озодлик ордонига 500 тонна сифатли тўқимачилик хом ашёсини жўнатдилар. Бу эса жўнатиладиган маҳсулотнинг ярмини ташкил этади. Маҳсулот планда белгиланган муддатлардан бирмунча илгари юборилмоқда.

ДЎСТЛАР ЕРДАМИ

«Ангренский» кўмир разрези ишчиларининг бригадаси Бўка районидаги оталиққа олинган «Ленинизм» колхозида янги дала шийпонини қуриб берди. Бу шийпон «аъло» баҳога сазовор бўлди. Бу коллектив «аъло» баҳога топширган учинчи дала шийпонидир. Бу ерда шинам ётоқхоналар, ошхона, қизил бурчак,— хуллас, колхозчилар ишдан кейин яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

ЖАСОРАТНИНГ ДАВОМИ



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУХБИРИ НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАДА

4. Туташ қалблар

Ўнинчи синфни битирган Мирзапўлат Расулов болалигидан бери орзу қилган мақсадига етишишга қарор қилди. Ҳужжатларини педагогика институтига топширди. Биринчи ва иккинчи имтиҳонни яхши топширди. Учинчисига келганда «йиқилди». Нима қилиш керак? Аввалига анча боши қотди. Ўзини қўярга жой тополмади. Кейин бундоқ тенгдошларига разм солди. Қараса, кўпчилик ўқишга кира олмаганлар ҳеч нарса бўлмагандек, завод ва фабрикаларга, қурилишларга ишга кириш тараддудида юришибди. Улар билан суҳбатлашган эди, бу йил ўқишга киролмасак, бир-икки йил ишлаб, кейин яна уриниб кўрармиз. деган фикрни эшитди. Мирзапўлат ўртоқлари билан гаплашгач, имтиҳондан йиқилганни учун бехуда қайғуриб юрганидан хафа бўлиб кетди.

У бир неча кун қаерга ишга кириш ҳақида ўйлаб-ўйлаб, охири машинасозлик заводига борди. Уни яхши кутиб олишди. Токарга шогирд тушди. Ҳаш-паш дегунча қўли ишга кўникиб қолди.

Кунларнинг бирида Россия Федерациясининг ноқоратупроқ ўлкасини ўзлаштиришга комсомол-ёшлар отрядлари отланаётганлигини эшитди. Азалдан катта қурилишлар ҳақида гап кетса Мирзапўлатнинг романтикага тўла қалби ҳаприқиб кетарди. У Сибирнинг тайгасида, шимол муаллиларида, Тянь-Шаннинг сирли чўққиларида яшагиси, ишлагиси келар эди. Шоирлар тили билан айтганда, уфқлар ортини қўли билан пайпаслаб кўргиси, ҳаётдаги ҳамма нарсани бирдан билиб олгиси келарди. У мактабда ўқиб юрган пайтларида Байкал-Амур магистрали қурилишига бориб ишлашга ҳам аҳд қилган эди.

Ҳа, мамлакат ёшлари ноқоратупроқ ўлкага ҳужум бошлаганч, тинчини йўқотиб қўйгани бежиз эмас. Сокин тунлар ўша ерга бориб ишлашни ўйлар, кундузлари харитадан Иваново, Новгород, Псков, Калуга, Владимир ноёб ноқоратупроқ ўлка шаҳарларини излар, у ернинг табиий шароитларини билишга қизиқарди. У ноқоратупроқ зонада олиб борилаётган ишлар нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яхши биларди.

Бир куни қисиниб-қимтиниб шаҳар комсомол комитетига кириб келди.

— Мени ҳам Новгородга кетаётган отряд жангчилари сафига ёзасизларми? — деб илтимос қилди.

Дарҳол унинг ҳужжатларини расмийлаштиришди. Кетаётган куни ҳам белгиларидан ташкил топган эди. Қувур тармоқларини йиғувчи Иван Бурштейн —белорус, қувур ётқизувчи Виктор Реслер — немис, шоирташат йиғувчи Сергей Афонин— рус миллатига мансуб. Коллективнинг ҳар бир аъзоси иложи борича яхшироқ ишлашга ҳаракат қилишар эди. Планлар оширib бажарила бошланди. Бригада кўпчилик назарига тушди. Коллективни Новгород областидаги энг яхши комсомол-ёшлар бригадаси сифатида ҳурмат билан тилга ола бошлашди. Бундан Мирзапўлат терисига сигмай қувонар эди!

Трест комсомолларни М. Расуловни Новгород область комсомол конференциясига делегат қилиб сайлашди.

Комсомол конференцияси ўтаётган Новгород кремлидаги область театри биноси комсомол-ёшлар билан лиқ тўла. Мирзапўлат ўрта қатордаги стулга келиб ўтирди. Унинг ўнг тарафида 19 ёшлардаги сариқ жингалак сочли қиз ўтирар эди. Қиз ёнига келиб ўтирган қора мағиз юзли, узун, қора сочлари ўзига ярашиб турган, келишган йигитга дамба-дам қараб қўйди. Ўз навбатида Мирзапўлат ҳам чиройли қиздан кўз узолмай қолди. Негадир қизни гапга солгиси келди. Танаффусда у билан танишди. Қизнинг исми Надежда экан.

— Исмингиз жуда чиройли экан. —деди Мирзапўлат унинг чақноқ кўзларига тикилиб.

— Ўзим-чи?!.— деди Надежда шарақлаб кулиб.

Қизнинг оқ кўнгиллик билан айтган сўзи Мирзапўлатни дастлаб довдиратиб қўйди. Шу билан бирга орадаги бегоналик пардасини олиб ташлади. Йигит ўзини енгил сезди.

— Ўзингиз ҳам жуда чиройлисиз!— деди Мирзапўлат анча далдаланиб.

Надежда Новгородлари «Вимпель» фабрикасида ишларкан. Қиз Мирзапўлатга Ўзбекистон ҳақида, пахтанинг қандай етиштирилиши, бу ердаги ишлари тўғрисида саволлар ёғдирди.

— Ўзбекистонда вилзила бўлганида менинг тоғам ҳам новгородлик қурувчилар отрядида Тошкентга бориб, уч йил ишлаб келган, — деди Надежда.

— Менинг амаким эса 1943 йилда Старая Руссада бўлган жангда қатнашган, — деди Мирзапўлат фахр билан.— Жангда қаттиқ яраланган экан. Ҳозир иккинчи группа инвалиди.

Улар конференциядан сўнг, шаҳар кўчаларида сайр қилишди. Уруш ҳақида конференцияда бошланган суҳбат мавзуси кейин ҳам давом этди.

— Яқинда «Новгородская правда» газетасида Киселев деган журналистнинг ҳужжатли киссасини ўқидим, — деди Надежда.— Унда ёзилишича, Старая Русса шаҳрида канон заводининг ертўлаларидан бирида яна бир ертўла топишибди. Очиб қарашса, у ерда 1942 йилда фашистлар шаҳарга бостириб киришганида асир олинган 30 нафар совет солдатини тириклай кўмиб ташлашган экан. Узоқ изланишлардан сўнг, тириклай кўмилган жангчилардан атиги иккитасининг исм-фамилиялари, кимлиги аниқланибди. Уларнинг бири украиналик, иккинчиси вологодлик бўлган экан. Душманга бўйин эгмаган солдатларни кўмаётган пайтларида бўлган кишилардан бирининг айтишича, 30 нафар жангчининг ичида бир ўзбек йигити ҳам бўлган экан. Ҳозирча бошқа қаҳрамонларнинг исми ва фамилияларини аниқлашнинг иложи бўлмаяпти.

Қизнинг ҳикоясидан Мирзапўлат қизлан:

— Воқеа қачон бўлган дединг из? — деб сўради:

— 1942 йилнинг ёзида.

— Демак, Ўзбекистондаги газеталарга хат ёзиш керак. — деди Мирзапўлат қатъий — Балки бирорта одамнинг фарзанди, отаси ёки акаси Старая Руссада, 1942 йилларда бўлган жангларда бедарак йўқолгандир?

— Тўғри айтасиз, Мирзапўлат, — дея уни қувватлаб қиз.— Номаълум ўзбек жангчисининг номи аниқланиб қолса ажаб эмас.

Қиз ва йигит алламаҳалгача сайр қилиб юришди. Надежда Мирзапўлатни энг яхши кишисидай Шимск районига кузатиб қўйди. Келгуси дам олиш куни албатта учрашишга аҳдлашишди...

...Бундан кейин қиз ва йигит ўртасида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида Новгород область комсомол комитетининг иккинчи секретари Евгений Назаров лўнда қилиб шундай деди:

— Ўзбекистонлик комсомол-ёшлар отрядининг энг яхши бригада бошлиғи Мирзапўлат Расулов билан Надежда комсомолча тўй қилиб бердик. Яқинда уларга коттеж типидаги уй бермоқчимиз.

Шу кунларда Мирзапўлат ва у бошлиқ дренаж қувурларини ётқизувчилар Шимск районининг «Ленинский путь» колхозида ерларнинг захини қочириш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Абдуқодир НИЁЗОВ.

СУРАТДА: Лесная қишлоғида қад ростлаган дастлабки коттеж уйлар.

Автор фотоси.

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ТОЗАЛИККА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Е. Ёқубжонова раислигида санитария ободончилиги шаҳар штабининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Чилонзор районидаги корхоналар ва ташкилотларда тозаликка қандай риоя этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Бугунги кунда Чилонзор райони Тошкентнинг энг обод ва кўркамлизор районларидан бири ҳисобланади. Бу ердаги турар жой кварталлари ям-яшил боғ-роғларга бурканган, кўчалар ва майдонлар кўзни қувонтиради. Кўплаб завод ва фабрикалар, корхоналар, савдо ва маиший хизмат муассасаларининг раҳбарлари тозалик ва тартиб масалаларига жиддий муносабатда бўлаётилар.

Аммо шаҳар штабининг йиғилишида районда бу борада йўл қўйилаётган қатор нуқсонлар ҳам очиб ташланди. Масалан, райондаги кўпгина нон магазинлари ортиқча чиқиндиларни тўғри кўчага чиқариб ташлашмоқда. Буни нормал ҳол деб бўлмайди, албатта. Тошкентлик нон савдосига мутасадди бўлган «Ташхлебторг» раҳбарлари ўз дўконларидаги ортиқча чиқиндиларни ташиб бериш учун «Автодормехбаза» билан шартнома тузиши керак эди. «Союзпечать» дирекциясига ҳам шундай эътирозларни билдириш мумкин. Бу ташкилот киоскаларида ҳам санитария қоидаларига эътиборсизлик билан қараляпти.

Райондаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида тозаликка эътибор бўйича кўпгина нуқсонлар мавжуд. Масалан, 47-сартарошхонада иш ўринлари кўпинча тозаланмайди, сартарошлик асбоблари занглаган ҳолда асралмоқда. устталар кир халатлар кийиб олишган. Буларнинг ҳаммаси сартарошхона директори Пинхасовнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан қараши натижасида содир бўляпти. Шаҳар штабининг йиғилиши қарори билан унга қаттиқ выговор берилди.

288-болалар комбинатида эса санитария нормаларининг жуда оддий қоидаларига ҳам риоя этилмаяпти. Бу ерда каравотлар, шунингдек, буклаладиган каравотлар, кўрпа-ёстиқлар етишмайди. Винони ювиб-тозалаш ишлари ўз вақтида амалга оширилмайди. Текшириш пайтида бу ерда комбинат мудирини, методистни. кир ювувчиларни, медицина ходимларини, ошпазларни топиб бўлмади. Штаб қарорига биноан болалар комбинати мудири Х. Шоюсупова ўз вазифасидан четлаштирилди.

1-ошхона директори вазифасини бажарувчи Ш. Тошхўжаевга ҳам ана шундай жазо берилди. Бу ошхонада антисанитария ҳолатлари яққол кўзга ташланади, деворлар ёрилиб ётибди. Ошхона ҳовлиси эса бўш ишиклар билан тўлиб кетган. З. Расулев мудирлик қилаётган 2-ошхонада ҳам тозаликка эътибор берилмаяпти. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш режимига эътибор беридмаяпти. Бу борада қўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Овқатлар тарқатиладиган пештахтада совитиш мосламалари, вентиляция системаси ишламайди. 7-ошхонада ҳам шунга ўхшаш нуқсонлар топилди. Уларнинг ҳаммаси ошхоналар трести раҳбарлари ўз ихтиёридаги ошхоналарни назорат қилишга, санитария қоидаларига риоя этишга аҳамият бермасликларини кўрсатмоқда.

«Узплодоовощчивинпром»га қарашли 7-магазин мудири В. Ким, «Ромашка» пиво бари мудири М. Борисов ва бошқалар ҳам ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун қаттиқ жазоландилар.

Санитария ободончилиги бўйича шаҳар штаби йиғилиши айтиб ўтилган нуқсонларни баратараф этиш учун бир ҳафта муддат белгилади. Райондаги корхоналар ва ташкилотлар ана шу вақт мобайнида йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришлари шарт.

Йиғилишда сўзга чиққан Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов район корхоналарининг раҳбарлари олдида турган муҳим вазифалар, санитария нормаларини мунтазам бажариш бўйича ишлар тўғрисида гапирди.

А. ХАТАМОВ.

◆ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

БИРЛАШМА МАРКАСИ ШАРАФИ УЧУН

Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси сифат белгиси билан ишлаб чиқараётган кийим-кечакларнинг ёнги турига яна уч тур қўшилди. Мактаб ўқувчилари кўйлагининг икки нусхасига ва аёллар кўйлагининг бир моделига фахрий эмблема берилди. Шу тариқа наманганлик тикувчилар ўз йиллик социалистик мажбуриятларидаги асосий бандлардан бирини муддатидан илгари бажардилар. Энди фабрика ишлаб чиқараётган ҳар беш буюмдан бири конвейердан энг юқори сифат белгиси билан тушмоқда.

Бу муваффақият — маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этиш сабабли эришилди. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этиш сабабли эришилди. Маҳсус ташкил қилинган фирма ва цех кенгашлари «Сифат кунлари» вақтида цехларнинг ишини таҳлил қилади, камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўради. Мутахассислар ишчилар билан биргаликда технология интизомининг, рекламацияларнинг бузилиш ҳолларини кўриб чиқадилар, бундай ҳолларнинг юз бериш сабабларини ўрганадилар.

(ЎзТАГ).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ШУКУРОВА: Мен Титов номли республика интернатида фаррош бўлиб ишлайман. Бу йил шу иш жойимдан бешинчи марта меҳнат отпускасига чиқдим. Менга 15 иш куни миқдорида отпуска берилди. Шу тўғрими?

Жавоб: Меҳнат қонунчилигининг амалдаги тартибларига мувофиқ корхоналар, ташкилотлар ва бошқа муассасаларда фаррош бўлиб ишловчи хизматчиларга йилига 15 иш куни ҳисобида меҳнат отпускаси тайинланади.

* * *

О. АХРОЛОВА: Яқинда «Малва» маркали тикув машинаси сотиб олган эдим. Баъзи қисмлари ишламаяпти. Шаҳримизда шу типдаги тикув машиналарини гарантия бўйича тузатиб берадиган устахона борми?

Жавоб: Пойтахтимизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда жойлашган «Техсложбитпр и б о р» ишлаб чиқариш бирлашмасининг устахоналарида барча турдаги тикув машиналарини гарантия тартиби бўйича тузаттириш мумкин.

* * *

Ш. ТУРСУНОВА: Шаҳримизда зонтикларни ремонт қилиб берадиган устахоналар борми? Агар бор бўлса улар қаерда жойлашган?

Жавоб: Марказий бозордаги маиший хизмат шаҳарчасида ва Пушкин кўчасидаги 39-уйда шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг устахоналари жойлашган. Бу ерда барча турдаги зонтикларни ремонт қилдириш мумкин.

* * *

К. ТЎРАЕВА: Мен ранги, тикилиши ёшимга монанд пальто сотиб олган эдим. Аммо у сал кенгроқ ва узунроқ. Шаҳримизда уни торайтириб берадиган устахона борми?

Жавоб: В. И. Ленин номли якка буюртмалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг устахоналари, модалар ательелари сизнинг буюртмангизни бажариб беради. Чилонзор савдо маркази ёнида жойлашган 24, Кафанов кўчасидаги 108-уйда жойлашган 23, Шота Руставели кўчасидаги 52-уйда жойлашган 2 Усмон Юсупов кўчасидаги 3-уйда жойлашган 3- ательеларда шу сингари ишлар бажарилади.

* * *

А. МИРҲАБИБОВ: Квартира, телефон, электр, газ ва бошқа воситалардан фойдаланилганлиги ҳақида тўлов квитанцияларини квартираларнинг эгалари канча муддатгача сақлашлари лозим. Муддатлари эскирган квитанцияларни ташлаб юбориш мумкинми?

Жавоб: Уй-жой фондидан фойдаланиш тўғрисидаги амалдаги тартибларга мувофиқ уйлардан фойдаланилаётганлиги ҳақида ҳақлар тўланганидан кейин квитанциялар бир йилгача бўлган муддатда уй эгаларида сақланиши шарт. Ана шу муддатлардан кейин эскирган квитанцияларни ташлаб юбориш мумкин.

! КЎЧА ТАФСИЛОТЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

1949 йилда туғилган Юрий Трофименко комига 1-шаҳар касалхонасида берилган медицина справкасида «қаттиқ» деган сўз икки марта ёзилган. Қаттиқ жароҳатланган, қаттиқ маст бўлган.

Трофименко кечқурун соат 11 да Беруний кўчасида тротуар ёқасидаги металл тўсиқдан сакраб ўтиб, йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда кўчани кесиб ўтишга интилган. Ана шу пайтда ГАЗ-24 маркали 97-36 ТНЗ номерли автомобилни бошқариб келаётган М. Аббосов кутилмаганда кўча ўртасида пайдо бўлиб қолган йўловчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун зудлик билан тормозни босишга ҳаракат қилди, лекин вақт ўтган эди. Йўл қоидасини бузган йўловчини босиб кетди. Бу кўнгилсиз ҳодисада ана шу йўловчидан бошқа ҳеч кимга айб қўйиб бўлмайди.

Ҳурматли редакция! Кўпинча ёз кунлари одамлар овқатдан заҳарланиб туради. Бизни шу нарса қизиқтириб қолди: одам овқатдан нима сабабдан заҳарланади? Бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак? Заҳарланиш юз берганда беморга қандай биринчи ёрдам кўрсатиш керак. Шулар тўғрисида маълумот берсангиз.

Д. ҒУЛОМОВА, Ж. ҚОСИМОВ, Б. ҚОДИРОВ, ишчилар.

Газетхон илтимоси

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Овқатдан заҳарланиб қолманг

Овқатдан заҳарланишнинг сабаблари турли-туман бўлади. Овқат маҳсулотларига айрим заҳарли моддалар тушиши ёки касал қўзғатувчи микроорганизмлар билан заҳарланган овқатни истеъмол қилиш натижасида овқатдан заҳарланиш хасталиги келиб чиқади. Булардан турмушда энг кўп учрайдигани овқатда ҳар хил микробларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлган заҳарланишдир. Хўш микроблар нима ўзи? Улар одамларни қандай жароҳатлайди?

Микроблар —фақат микроскопда кўриладиган жуда майда, тирик жониворлардир. Микроблар ҳамма ерда: ҳавода, сувда, тупроқда, ҳар хил нарсаларда ва озиқ-овқат маҳсулотларида яшайди.

Бактерия тушган овқатдан захарланиш ҳам оғир. Хасталикнинг тури патоген (касаллик қўзғатувчи) микроблар ва уларнинг токсинлари (заҳарли моддалари) тушган овқатни ейиш натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам бу хилдаги заҳарланиш токсикоинфекция деб аталади. Токсикоинфекция қўзғатувчилари атроф-муҳитда кўп тарқалган бўлади. Киши касал ва озиб кетган ҳайвон гўштини яхши пиширмасдан еганда заҳарланиб қолиши мумкин.

Паратифоз деган микроблар қиймаланган гўштда айниқса тез кўпаяди, чунки у ерда одам ва ҳайвонларнинг тана ҳароратига яқин ҳарорат, микробларнинг ривожланиши учун шароит бўлади. Кўп кишиларнинг кун иссиқ пайтларда овқатдан заҳарланишининг сабаби ана шунда. Бунинг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

— Ветеринария-санитария назоратидан ўтказилмаган гўштларни овқатга ишлатмаслик керак.

— Гўшт ёки балиқ туриб қолган бўлса, яхшиси уларни овқатга ишлатмаган маъқул. Жуда зарур бўлганда уларни яхшилаб пиширгандан, қайнатгандан кейин овқатга ишлатиш мумкин, қовурши мумкин эмас.

— Хом гўшт ва балиқ маҳсулотларни пиширилаётганда санитария қоидаларига пухта риоя қилиш, тайёрланган маҳсулотларнинг хом маҳсулотларга тегишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун овқатга тайёрланаётган хом маҳсулотларни пиширилганларидан алоҳида қўйиш, тахта, идиш-товоқ, гўшт қиймалагич, пичоқ ҳамда бошқа рўзғор буюмларни озода қилиб ишлатиш керак.

— Гўштни фақат пиширишдан олдин тўғраш ёки қиймa қилиш лозим.

— Гўшт ва балиқ маҳсулотлари холодильник ёки совуқ жойларда сақланганда микроблар кўпайишининг олди олинади. Сели чиқиб турган гўштлик таомларни ва яхши қовурилмаган бошқа таомларни ҳам истеъмол қилмаслик керак. Бундай гўштни ейиш хавфли. Гўштни яхшиси сувда қайнатиб пишириш керак.

Паррандаларнинг тухумини фақат сув қайнаб чиққандан бошлаб 8—10 минут қайнатиб, кейин ейиш мумкин.

Уйдан кемирувчиларни, пашша ва сувараклари йўқотиш зарур, ҳар кунги овқат қолдиқларини ва чиқиндиларини уйдан олиб чиқиб ташлаш лозим.

Протей группасидаги микроблар жуда кўп тарқалган. Протей оқсилга бой бўлган маҳсулотларда қулай шароит мавжуд бўлганда кўпаяди, у сабзавотларда ҳам кўпайиши мумкин. Заҳарланиш, протей билан зарарланган овқатни еганидан сўнг 4—24 соат ўтгач ривожлана бошлайди: бунда кўнгил айнайди, бемор қусади, ичи кетади, ҳарорати кўтарилади.

Бу микроблар маҳсулотларга санитария қоидаларига амал қилмай тайёрланганда ёки бурун-ҳалқумда ва ҳалқумда жойлашиб яллиғланишни юзага келтириши мумкин. Киши йўталганда ва аксирганда стафилококклар жуда қўплаб ажралиб чиқиб, атроф-теваракни, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини зарарлайди. Бу микроблар баъзи озиқ-овқат маҳсулотларида бўлганида, юқори ҳароратда тезлик билан кўпая бошлайди. Бу токсин овқат билан бирга меъда-ичак йўлига тушганда, меъда ва ичак шиллиқ қабати ўткир яллиғланади, натижада беморнинг кўнгли айнийди, қусади, ичи кетади ва қорнида оғриқ пайдо бўлади. Бунда одатда ҳарорат кўтарилмайди.

Ботулинус токсини билан зарарланиш бузилган консерваларни, тузланган балиқларни еганда содир бўлади. Ботулинус таёқчаси ажратадиган токсин овқат билан бирга организмга тушганда ичакка сўрилиб қонга ўтади ва бош мияда жойлашган марказий нерв системасига етиб борib, уларни зарарлайди. Зарарланган овқатни истеъмол қилгандан сўнг 6—36 соат ўтгач, кўриш органларининг нормал иш фаолияти бузила бошлайди, яъни кўз олди хиралашади, қовоқлар салқийди, оғиз қурийди, кўпинча қабзият бўлади, баъзан кўнгил айнаб, одам қусади ва ич кетади. Овоз хириллаб бўғилиб қолади, нафас олиш ишлатиладиган асбоб ва идиш-товоқлар тоза бўлмаганда осонлик билан тушади.

Стафилококклар — жуда майда, шарсимон шаклга эга микроблардир. Улар маҳсулотларда кўпайиб ривожланади ва ўзидан токсин (заҳарли модда) ажратади. Бу микроблар одамнинг терисига тушиб, тери бутунлиги бузилганда у ерда йиринг пайдо қилиши, шунингдек, бурунда, ийнлашади. оғир ҳолларда нафас фалажланиб, кўнгилсиз воқеа юз бериши мумкин.

Овқатдан заҳарланган кишига врач келгунга қадар кўрсатиладиган биринчи ёрдам қуйидагича бўлиши лозим. Беморни яқин жойдаги даволаш муассасасига: поликлиника, соғлиқни сақлаш пунктига олиб бориш керак, бу ерда унга малакали медицина ёрдами кўрсатилади. Кучли заҳарланиш рўй берганда зудлик билан «Тез ёрдам» чақириш лозим, бунда врачга кўрсатиш учун қусиқ массасини олиб қўйиш, заҳарланишга сабаб бўлган овқатни эҳтиёт қилиб сақлаб туриш зарур.

Меъдага тушган заҳарни чиқариб ташлаш учун қанча тез ҳаракат қилинса, даво оқибати шунча яхши бўлади. Заҳарланган беморни қусдириш учун унга 3—4 стакан (яхшиси илиқ) сув ичирилади. Сув заҳарни суюлтиради ва шу билан унинг таъсирини қирқади.

Кейин заҳарланган киши бармоқларини оғзига тиқиб, қусади. Буни бир неча марта такрорлаш лозим.

Заҳарланган киши ҳушсиз ётган бўлса, уни қустириб бўлмайди. Мабодо бемор ўз ҳолича қусса, қусуқ массасининг нафас йўлига кетиб қолмаслиги учун унинг бошини бир томонга буриб ётқизиб қўйиш керак.

Активланган кўмир-карболеннинг 10 таблеткасини ёки 2 ош қошиғини бўтқа ҳолда берилади, у сув билан ичилади.

Ўраб олувчи воситалар заҳарнинг сўрилишига йўл қўймайди. Масалан, 2—3 та тухум оқи 1 литр сувга қўшиб ичирилади. Бундан ташқари, сут, кисель ичилади. Бу моддалар қизилўнгач ва меъдани заҳарнинг куйдирувчи ва бошқа таъсирларидан сақлайди. Бу моддаларнинг баъзилари заҳарни ютади. бошқалари эримайдиган бирикмалар ҳосил қилади.

Заҳарни чиқариб ташлаш учун ичакни бўшатиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам сурги буюрилади. Бунинг учун 20—30 грамм натрий сульфат ёки магний сульфатни бир стакан илиқ сувда эритиб беморга ичирилади, сўнг яна бир стакан сув ичирилади. Клизма ҳам буюриш мумкин.

Ёзнинг иссиқ кунларида ҳар бир киши озиқ-овқатдан фойдаланишда, сабзавот ва меваларни истеъмол этишда эҳтиёт бўлиши, юқорида биз айтган санитария-гигиена қоидаларига амал қилиши, турли масаллиқларни озода, саранжом-саришта ва салқин жойларда сақлаши керак.

И. ҲАСАНОВ.

Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг овқатланиш лабораторияси мудири, медицина фанлари кандидати.



МОСКВА. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг «Кемасозлик» павильони яқинида янги экспонат — бошқариладиган одимловчи «Крим» супертанкерининг мамланатимиздаги энг катта паррагининг бир бўлаги намойиш этилмоқда. Унинг оғирлиги 6,6 тоннани ташкил этади.

СУРАТДА: виставка томошабинлари янги экспонатни кўздан кечиришмоқда.

Н. Куликов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Идеология ишининг актуал масалалари

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг актуал масалалари» деб аталган асарлар тўпламини босмадан чиқди.

Икки томликка ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1964 йилдан 1978 йилгача бўлган даврдаги докладлари, нутқлари, мақолалари, табрикномалари тўла ёки қисман киритилган.

Тўпламда партия идеология иши туб масалаларининг моҳияти очиб берилади, етук социализм шароитларида, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида партиянинг кўп қиррали фаолияти тўғрисида тасаввур берилади. Тўплам материаллари идеология кадрларини, барча коммунистларни муҳим назарий қоидалар ва амалий хулосалар билан қуроллантиради.

Тўпламни КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлими ва умумий бўлими нашрга тайёрлаган. Тўпламни сифатли адабиёт нашриёти чоп қилган.

(ТАСС).

• *Наботот инъомлари*

Шифобахш гиёҳлар сири



ҚАДИМИЙ форслар-ларнинг ажойиб бир нақли бор: беморнинг дардига табибнинг ширин суҳани, ўткир наштари ва шифобахш гиёҳи даволик қилади. Ҳа, шифобахш ўсимликлар оламининг нуфузи баланд. Илмий медицинамизда, шифокорлар амалиётида қўлланувчи дори-дармонлар н и н г қирқ процентга яқин қисми бўлган ўсимликлардан олинади.

Халқимиз дилига сингиб кетган тиббий омиллардан фойдаланиш учун махсус гиёҳхоналар очилган. Мана, шаҳримизнинг Ўзбекистон 50 йиллиги проспектидаги 10-уйга жойлашган 90-гиёҳхона. У ерга кирар экансиз, гўё табиат оғушида қолгандай, олам-олам доривор ўтларнинг хушбўй исининг асири бўласиз. Ойнаванд пештахта ва кўркли токчаларда тартиб ва дид билан қадоқланган саховатли табиат эҳсонлари тахлаб қўйилган. Унда сиз ўсимлик дунёсининг дардига табибнинг дардига дармон бағишловчи ўти, барги, гули, ғунчаси. меваси, данаги, шарбати, қиёми, тошчойи йиғилмаси, қўйингчи ўсимликнинг илдизидан тортиб пўчоғигача кўришингиз мумкин.

Гиёҳхона мудири Мақсуд Каримовнинг айтишига қараганда, гиёҳлар олами билан қизиқувчи кишиларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Ойлик гиёҳларнинг хариди этилиши 4000 сўмдан ошиб кетган, кўзда тутилган план 130 процент бажарилмоқда, Ҳар ҳолда. бу ўринда гиёҳхонанинг ибратли меҳнатини инобатга олиб ўтиш лозим бўлади. Гиёҳхонага юзланиб келган бирорта киши у ердан ранжиб кетмайди, мабодо изланган нарса топилмаса. хушхат (открытка) орқасига адресини ёздириб қолдирилса бўлгани. Ҳа демай, у ёки бу гиёҳ харидга келтирилгани тўғрисида хабар берилади. Улуғ Ватан уруши йиллидлари ҳамда якка беморларга буюртма қилинган гиёҳдори хомдимлар томонидан етказиб берилади.

Доривор гиёҳларга талаб ортган сари, баъзи бир муаммолар ҳам чиқиб келмоқда. Хусусан, қуйидаги саналаб ўтилувчи ўсимлик маҳсулотлари камчил бўлиб қолди: буйрак чойи, («Почечний чай»), бўзноч гуллари («Цветки бессмертника»), совуқўт («Сушеница болотная»), чучукмия илдизи («Лакричний корень»), «Корень солодки») каби ўсимлик маҳсулотлари билан бирга хирсулоқ («Листья толокняника»), чирқаноқ шарбати ва мойи («Облепиховое масло») шулар жумласидандир.

Ўзбекистон доривор ҳомдимлар бош бошқармаси ҳамда тегишли ташкилотлар маҳаллий доривор ўсимлик маҳсулотларидан унумли фойдаланиш ва ҳалқимизнинг истеъмол даражасига етказиш учун ғамхўрликни кучайтиришлари керак.

Аниқ далилларга қараганда ўлкамиз ҳозирда жуда ноёб ўсобланувчи чирқаноқнинг ҳақиқий маскани ҳисобланади. Чирқаноқзорларнинг аянчли аҳволда эканлиги тўғрисида матбуот саҳифаларида йирик олимларнинг мақолаларини ўқиганимиз. Бизнинг днёримиз муҳим саноат хом ашёси ва дори-дармон ҳисобланувчи чучукмияни фақат ўз мамлакатимизнигина эмас, балки кўплаб хорижий давлатларни ҳам таъминлаб туради. Афсуски, бу шифобахш омил ўз дорихоналари м и з д а камчил.

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги Давлат комитети доривор ўсимликлар бошқармасининг бошлиғи М. Оллоёровнинг берган маълумотига суянадиган бўлсак, ўлкамизнинг ўрмон хўжаликлари 1976 йилда 106 тонна афсонак ўти, 20 тонна омонқора. 10 тонна зағоза (қизилча), озиқ-овқат ва зираворг ўсимликлардан 46 тонна анзур пиёзи, 60 тонна наъматак, 4 тонна қорақанд ва 3 тоннадан зиёд зира терилиб химия - фармацевтика ва озиқ-овқат саноати корхоналарига топширилган.

Ҳа, ўлкамизнинг саховати чексиз, унинг заминидан ниш уриб чиққан ҳар бир гиёҳ шифобахш десак хато қилмаймиз. Дорихона ва гиёҳхоналаримизда халқимиз ҳурматидан жой олган исириқ, зира, зирк ва арпабодиён каби ўсимлик маҳсулотлари билан бир қаторн, жилонжийда каби серҳосият неъматлар мавжуд бўлишини истар эдик.

Партия ва ҳукуматимиз ўрмонларнинг табиий бойликларини муҳофаза қилиш, нодир бойликларидан оқилона фойдаланиш борасида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Республика ўрмон хўжалиги Давлат комитети қошида янги доривор ўсимликлар бошқармасининг ташкил этилиши ўз йўли билан хайрли иш бўлди.

Тўғри. шифобахш гиёҳ ва неъматларнинг устунлигини эътироф қилиш билан бирга, бу маҳсулотларни суиистеъмол этмасликни, қолаверса, шифокорнинг ўринли маслаҳатисиз гиёҳли муолажаларни қабул этмаслик лозим.

М. НАБИЕВ, Т. РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: шифобахш гиёҳлар дорихоносининг мудири Мақсуд Каримов ва дорихонанинг ходими Вазирахон Расулова харидорлар хизматида, Ю. Ботиров фотоси.

◆ НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

РЕВМАТИЗМ ХАСТАЛИГИ

Медицина фанлари докторлари, профессорлар Р. Корабоева ва К. Йўлдошевларнинг ревматизм хасталиги тўғрисидаги рисолалари «Ўзбекистонда ревматизмни диспансерлаштириш ва даволашнинг ҳозирги замон масалалари» деб аталади. «Медицина» нашриёти чоп этган бу рисолада ревматизм билан хасталанган беморларни диспансерлаштириш, диспансер кузатиш методикаси, ревматизмнинг этиологияси ва патогенизми, патологик анатомияси ва классификацияси каби муҳим чора-тадбирлар айтиб ўтилган. Шунингдек, китоб муаллифлари, катта ёшли кишилардаги ревматизм клиникаси ва диагностикаси, даволаш ва профилактикаси каби масалаларда маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилган.

ХОЛЕЦИСТИТ НИМА?

Бу саволга С. Аъзамхўжаев ва Т. Берняевалларнинг «Холецистит» китобидан жавоб топиш мумкин. Маълумки, холецистит хасталиги ўтпуфаги яллиғланиши натижасида пайдо бўлади, жигари касал кишиларнинг деярли ярми шу хасталик — холецистит ва ўт-тош хасталиги билан оғрийди.

Китоб муаллифлари бу хасталикнинг пайдо бўлиши, ўт-тошларининг келиб чиқиши, касаллик белгилари, беморда қандай асоратлар қолдириши, холециститни даволаш ва ундан сақланиш чоралари ҳақида атрофлича фикр юритганлар.

• *Янги ўқув йили тараддуди*

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Кўп ўтмай фарзандларимиз жонажон мактаблари бағрига йўл оладилар. Уларнинг пухта билим олишлари мактабларнинг ўқув йилига ҳар жиҳатдан тахт қилиб қўйилишига боғлиқ. Шу муносабат билан Октябрь районида олиб борилаётган ишлар ҳақида район халқ маориф бўлимининг мудири, халқ маорифи аълочиси Ўткир Аҳмедович Мирзажонов билан суҳбатлашдик.

— Аввало мактабларда қанча ўқувчи таълим олиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Маълумки, районимиз Тошкентнинг аҳолиси энг зич бўлган қисмида жойлашган. Шунинг учун ҳам ўқувчилар сафи йил сайин ўсмоқда. Янги ўқув йилида меҳнаткашларнинг 3550 дан ортиқ фарзанди биринчи синфга қадам қўяди. Мактабларда ҳаммаси бўлиб 30 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олади.

— Районда янги ўқув йилига тайёргарликнинг борши қандай кетяпти?

—Энг муҳим вазифаларимиздан бири мактаб бинолари ремонтини ўз вақтида тугаллаш эди. 20 июлда биноларни жорий ва капитал ремонт қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. 12 та мактабнинг биноси капитал ремонтдан, 29 та мактабнинг биноси эса жорий ремонтдан чиқарилди. Шу мақсадга 318 минг сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, 8085 та парта, 945 та синф доскалари, 5250 стол-стуллар ва бошқа жиҳозлар ҳамда кўргазмали қуроллар сифатли ремонт қилинди. Фан кабинетлари, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари янги жиҳоз ва кўргазмали воситалар билан тўлдирилди.

—Оталиқ ташкилотларининг мактабларга кўрсатган ёрдами қандай бўлди?

— Бу соҳада айниқса «Средазэнергоцветмет», «Ўзбекгидроэнергострой» ва «Ўзстроймеханизац и я » трестларининг коллективлари ибратли ишлар қилишди. Улар 19, 40, 102-мактабларни сифатли ремонт қилиб беришди. Бошқа оталиқ ташкилотларнинг ҳам ёрдамидан миннатдормиз.

— Ёш авлодни меҳнатга тайёрлаш, жисмонан чиниқтириш шу қунларнинг муҳим вазифаларидан бири. Езги каникул даврида бу борада нима ишлар қилинди?

— Дарҳақиқат. биноларни ремонт қилиш, синф ҳоналари, фан кабинетлари, спорт майдончаларини тартибга келтиришда ўқувчиларнинг ўзлари ҳам қатнашганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Район мактабларида 64 ўқувчилар бригаласи меҳнат қилди. 4000 бола мактаб пионер лагерларига жалб этилди. Юқори синф ўқувчиларидан 400 киши меҳнат ва дам олиш лагерларида хордиқ чиқариб қайтди.

Район маорифчилари шу кунларда янги ўқув йилига тайёргарликни янада авж олдирмоқдалар.

М. МУРОДОВ.

• *Маданият хроникаси*

Ўзбекистон театрлари— фестиваль лауреатлари

СССР да ўтказилган Болгария Халқ Республикаси драма санъати иккинчи фестивалининг якунлари чиқарилди. Мамлакат театр коллективлари ва ижрочилар орасида Андижондаги «Лола» қўғирчоқ театри, А. Мачуровнинг «Қувноқ хўрозчалар» ҳамда М. Марчевскийнинг «Шоҳ ва тегирмончи» спектакллари учун, Й. Охунбобоев номли Ўзбекистон ёш томошабинлар театри П. Панчевнинг «Тўрт эгизак ҳақида эртак» спектакли учун ҳамда Огаҳий номли Хоразм музикали драма ва комедия театри Н. Йорданованинг «Маъюм муҳаббат» спектакли учун фестиваль мукофотлари ва дипломлари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ёш томошабинлар театрининг актёри Л. Саъдуллаев «Тўрт эгизак ҳақида эртак» спектаклида бош ролни ижро этганлиги учун, рассом А. С. Чернов шу спектаклни безаганлиги учун ҳам фестивалнинг дипломлари билан мукофотландилар.

(ЎзТАГ).

Улкан санъат даргоҳига йўл

Ўзбекистон Кинематографиячилар союзи ҳузурида етакчи кино санъатн усталаридан иборат махсус саралаш комиссияси ташкил этилди. Бу комиссия Москвадаги Бутуниттифоқ давлат кинематография институтида ўқиш учун қобилиятли ёшларни танлаб олиши керак. У ерда ўзбекистонлик йигит-қизлар учун актёрлик устахонаси барпо этишга қарор қилинди.

Республика Кинематографиячилар союзи правлениесининг биринчи секретари — СССР халқ артисти Мелик Қаюмовнинг хабар қилишича, КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарорига биноан ана шу устахонани ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Комиссия аъзолари Тошкентда. бундан ташқари Ўзбекистоннинг область марказларида ҳам ишлайди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

СОФИЯ. «Союз» газ қувурини қуришда қатнашаётган корхоналар ва ташкилотларнинг болгар ва совет мутахассислари Болгария территориясидаги газ қувури Жанубий ярим ҳалқасининг биринчи навбатини 1979 йил 31 декабргача битказиш мажбуриятини олдилар. Улар ўртасида тузилган социалистик мусобақа ҳақидаги шартнома Софияда тантанали суратда имзоланди.

Болгария еттинчи беш йиллигининг асосий қурилишларидан бири бўлган Жанубий ярим ҳалқанинг биринчи навбати ишга туширилгандан сўнг Болгария Халқ Республикаси ҳар йили СССРдан қўшимча равишда 1.4 миллиард куб метр газ оладиган бўлади.

(ТАСС).


РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

ВАРШАВА. Республика ғаллазорлари 8 миллион гектарга етди. Жанубий ва ғарбий районларда ўрим-йиғим тез суръатлар билан давом этмоқда. Бошқа районларда эса ҳосил пишиб етилмоқда.

Польша қишлоқ хўжалигининг машина парки кейинги йилларда беқиёс ўсди. Далаларда ҳозирги вақтда 500 минг трактор, 19 минг комбайн, 36 минг ғарамловчи ва бошқа кўп машина-механизмлар ишлаб турибди.

Поляк дўстлар ўрим-йиғим ишларининг технологиясига катта эътибор бермоқдалар. Польша ва совет қишлоқ мехнаткашлари ҳамкорлигининг самараларидан кенг фойдаланмоқдалар. Ольштин ва Кошалин воеводаликларидаги давлат хўжаликларида мўл ҳосил етиштирувчи машҳур усталар А. В. Гитаров билан Н. Бочкаревнинг тажрибаси кенг қўлланилмоқда.

(ТАСС).



Эроннинг Ахваз шаҳри яқинида Совет Иттифоқининг ёрдами билан йирик «Рамин» иссиқлик электр станцияси бунёд этилмоқда. Станция 1981 йилнинг февралида тўла қув ват билан ишга тушади.

СУРАТДА: «Рамин» электр станцияси қурилишида.

ТАСС фотохроникаси.

ИШЧИЛАР УЧУН УЙЛАР

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси жамоат ишлари министри М. Рафи ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: уй-жой проблемасини ҳал этиш апрель революцияси ўртага қўйган асосий вазифаларнинг биридир. АДР ҳукумати биринчи навбатда афғон меҳнаткашлари учун уй-жойлар қуришни кўзда тутмоқда.

Яқинда Қобулнинг шимолий қисмида янги турар жой райони қурила бошланганлиги бунга мисол бўла олади. Бу районни уй-созлик комбинатининг ишчилари ўзлари учун барпо этмоқдалар. Меҳнаткашлар ўзлари учун уй-жой қураётганлиги Афғонистон тарихида биринчи воқеадир.

25 гектарлик майдонда уй-жойлардан ташқари, болалар ўйнайдиган майдончалар ва спорт майдончалари, кинотеатр, мактаб, стадион ва ҳовуз қурилади. Ҳукумат шу мақсадларга 80 миллион афғоний маблағ ажратди. Бир оз вақт ўтгандан кейин ишчиларнинг қарийб икки ярим минг оиласи замонавий шинам квартираларга кўчиб киради.

3 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

9 АВГУСТ, 1978 й.

Робер СТЕНЮИ

Сув остидаги хазина

Мўъжизалар оламида

Хазина дегани ўз эгасига камданкам вафо қиладиган нарса бўлади. Қароқчилар кемасининг капитани Кариб денгизидаги кимсасиз оролга тушган пайтида пешонасидан ўқ еб ҳалок бўлади. Бу орол у ўлгандек кимсасиз эмас экан. Яна бир капитан эса маст бўлиб ўтирганида гарданига ханжар санчадилар. Унинг калласини Буюк Британия қироличасига тегишли кемасининг қоқ учига илиб қўядилар. Денгиз ортидаги колониялардан бирининг губернатори хазинани олиб қочиб кетмоқчи бўлганида аразанинг ўзида ўлдирилади. Бу аравада губернатор ҳиндилардан тортиб олган олтин тўла сандиқ бор эди.

Яна икки денгизчи эса Жанубий Атлантика тўлқинлари орасида очлик ва сувсизликдан ҳалок бўлади. Денгизда бутун дунё хазинасини берсангиз ҳам бир бурда нон тополмайсиз. Ўзгалар хазинасига қасд қилган яна бир қанча калланесабзалар Калахари саҳросида сувсизликдан ҳалок бўладилар. Уларнинг кўлида олмос тўла чарм кармонлар бор эди. Рим билан Карфаген ўртасида бебаҳо ҳайкалчалар ортилган бутун бошли кема сувга ғарқ бўлади.

Мен гувоҳларнинг ўз қўли билан ёзган хатлари, хазинага оид маълумотлар, комиссияларнинг доклад ва хулосалари, суд ҳукмлари, шунга ўхшаш ҳужжатларни синчиклаб ўрганар эдим.

Бундай ҳужжатларни тўплаш хазина излашга аҳд қилган ҳар бир кишининг бошига тушадиган биринчи савдо. Бунақа савдолар шунча кўпки, бора-бора хазина изловчи бир тийинсиз қолади. Бу нарсани дўстим Жак-Ив Кусто жуда чиройли таърифлайди.

«Ҳалол капитал учун сув остида ётган хазинани топишдан каттароқ фожиани тасаввур қилолмайман. У иш бошлаш учун экипажнинг ҳар бир аъзосига катта пул ваъда қилади. Ундан кейин хазина тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмайсанлар деб талаб қилади. Лекин экипаж аъзолари қовоқхонага кириб икки-уч стакан ароқ ичиб олганидан кейин сирнинг ҳеч қанақа сирлиги қолмайди. Мабодо капитан сув остида ётган олтинни топиб чиқарганида ҳам бир вақтлар ана шу хазинанинг эгаси бўлган қироллариинг авлод— аждодлари эски ҳужжатларни титкилаб сувга югуриб қолади. Ўз улушини талаб қила бошлайди. Бунинг устига хазина топилган денгиз қайси мамлакат территориясига қарашли бўлса, ўша мамлакат дарҳол бу ердан хазина излашни тақиқлаш ҳақида қонун чиқаради. Ниҳоят бечора капитан топилган хазинанинг минг дан бир улушини амаллаб уйига олиб келди дейлик. Энди ўзи яшайдиган мамлакатнинг солиқ солувчи-инспектори унинг охирги чақасига ҳа тортиб олади. Шунда ўз дўстларидан, обрў-эътиборидан, кемасидан жудо бўлган капитан бошига шунча савдолар солган олтинни нақадар ғазаб билан паънатлашини тасаввур қилишингиз қийин эмас».

Бу гаплар тўғри эди. Шунга қарамай мен хазина қидиришга қарор қилдим.

Сандиқ

Мен ўз кўзларимга ишонмасдим. Аммо чиндан ҳам бу—сандиқ эди. Ичи тўла сандиқ эди. Қўлим билан тахталари чириб кетган сандиқни пайпаслаб кўрдим. Сандиқ ичида ғиштга ўхшаб қуйилган ва тартиб билан тахланган кумуш қуймалари турарди. Кумуш уч метр кум ва 18 метр сув остида икки ярим аср ётиб мутлақо бузилмаган. Атлантика океанининг шўр сувлари ҳатто унинг рангини ҳам ўчирмапти.

Тахталар орасидаги ғирадан ҳудди ғиштга ўхшаб тахланган қуймалар кўриниб турар эди. Чамаси Форт Нокс хазинасида тиллалар худди шундай тахланиб турса керак.

Мен шеригим Луи Горсга қарайман. Унинг маска ортидаги қора соқолли чеҳрасида табассум барқ уради. Ҳали бироита замондошимиз Голландия Ост-Индияси компаниясига қарашли кумуш ёки олтин хазинани топмаган бўлса керак.

Мен қуймаларни санаб ўтирмадим. Чунки улар роппа-роса юзта эканлигини билардим. Бундан бир неча йил илгари Гаага шаҳридаги давлат архивида мана шу хазинага тааллуқли бир ҳужжатни ўқиган эдим. Голландия элчиси Хейстерман 1724 йил 8 декабрь куни Лиссабондан хабар бериб, бу ерга ўттиз уч нафар голланд денгизчиси келганини, улар «Слот тер Хооге» кемаси ҳалокатга учраганидан кейин ҳаётларини амаллаб сақлаб қолишганини хабар қилган эди. Ўттиз саккиз тўпли бу кема Индерландиядан Батавия (ҳозирги Жаркарта) шаҳрига йўл олади. Аммо ўша биринчи сафаридаёқ олти кун давом этган дахшатли бўронга дуч келади. 1724 йил 10 ноябрдан 20 ноябрга ўтар кечаси бошқарувни йўқолган кема қирғоққа бориб урилади. Бу ҳодиса Мадейра архипелагидаги Порту-Сантунинг шимолий қирғоғида, Порту-ду-Гильермў деган жойда рўй беради. Пухта қилиб ишланган кема бир соатдан ортиқроқ вақт мобайнида тўлқинларнинг тошга келтириб уришига чидаб беради. Лекин кейинчалик синиб кетади ва 220 киши ғарқ бўлади.

Омон қолганлар орасида капитаннинг биринчи ёрдамчиси Баартель Таерлинк ҳам бор эди. Кемада нималар борлигини мана шу одам айтади. Бу кема манзилга ёғ, вино, ароқ, 19 та сандиқ олиб кетаётган эди. Сандиқлардан 15 тасида юзта-юзтадан кумуш қуймаси, учтасида мексика тангалари, яна бирида кумуш пуллар бор эди. Кемадаги кумушнинг умумий оғирлиги қуйма ҳолда уч тонна, танга ҳолида 300 килограмм келар эди.

Шундай қилиб мен ҳудди ўша «Слот тер Хооге» кемаси чўкиб кетган ерни кўрсатувчи архив материалларини топдим... «Хазина изловчилар ҳаётида тасодифлар кўп бўлади. Менда ҳам шундай бўлди. Бир сафар Лондонга борганимда эски дўстларим эр-хотин Зелида ва Рекс Коуенларни кўргани кирдим. Зелида Коуен сув ости изланишлари тарихи бўйича энг эътиборли экспертлардан бири. Биз суҳбатлашиб ўтириб XVIII аср кумуш изловчилари ҳақида гаплашиб қолдик. Бундай хазина қидирувчиларнинг энг машҳури Жон Летбридж деган инглиз эди.

Рекс яқинда Зелида топган қизиқ бир нарсани кўрсатди. 1780 йили Девоншир олимлари жамияти томонидан чиқарилган ва сув остига ғарқ бўлган жисмларни юзага чиқариш тарихи тасвирланган қўлланмани кўрсатди. Мен уни кўздан кечирар эканман, ҳайратдан қотиб қолдим. Бу қўлланмада Летбриджга тегишли кумуш кубок тасвирланган эди. Унинг бир томонида Порту-Санту оролининг картаси ва бу ерда ғарқ бўлган кеманинг тасвири туширилган эди. Шунингдек, кема чўкиб кетган жойнинг координати —33 градус шимолий кенглик ва 5 градус ғарбий узунлик аниқ қилиб ёзиб қўйилган эди. Наҳотки бу ҳудди ўша мен излаётган кема бўлса?

Кубокнинг бошқа тарафига Летбридж ихтиро қилган «шўнғувчи машина» тасвирланган. Уз вақтида бу — замонанинг энг мукаммал машинаси ўзига хос жажжи сув ости кемаси эди. Бу қайиқча махсус ёғоч бочкадан иборат эди. Бочка ичига фақат битта одам сиғарди. У қўлларини ташқарига чиқариб, бемалол сув остидаги нарсаларни ушлаши мумкин эди. Узи эса бочка ичида бир неча соат сув остида қола оларди. Агар у чарчаса юқорига сигнал берар, сув устидагилар уни тортиб олишарди. Одатда сув остига тушган киши майда нарсаларни қўли билан териб чарм мешга жойлар, кейин эса мешни юқоридан туриб тортиб олишарди. Агар топилган нарса оғир бўлса, шўнғувчи уни арқонга боғлаб юқорига сигнал беришни одат қилган.

Голландиянинг Лиссабондаги элчиси чўкиб кетган кема капитанининг ёрдамчисини ватанига жўнатар экан, кемадаги юклар, ғарқ бўлган одамларнинг рўйхатини ҳам бериб юборган. Шунингдек у чўккан юкларни тортиб чиқариш мумкинлигини ҳам езган. «Менимча, деган у, голландияликлар «кумуш овлаш» ҳунарини билишади. Лекин назаримда бу ишни инглизлар яхшироқ эплашса керак. Кема чўккан жойнинг чуқурлиги 10—12 сажен (24 метр) келади».

Бундан чиқди Жон Летбридж «Слот тер Хооге» кемасини излашда мендан кўра чаққонлик қилган экан-да? Ҳужжатлар билан таништиб чиққанимда шу нарса аён бўлдики, у ўз вазифасини уринлатиб бажарган. Летбридж Порту-Сантуга илк бор келганида чўкиб кетган 1500 кумуш қуймадан 349 тасини тортиб чиқарган. Шунингдек, 10 минтга яқин кумуш тангаларни, иккита тўпни сув юзасига чиқариб олган. «Қолганларни, — деб ёзган у—худонинг кўмаги билан келгуси йили 20—30 кун денгиз тинч бўлса чиқариб оламан».

Чамаси ўшанда ҳаво яхши келганга ўхшайди. 1726 йили Летбридж сув остидан умумий баҳоси 190 минг гульден келадиган кумуш қуймаларини чиқариб олган. Бу ниҳоятда катта пул бўлиб, ғарқ бўлган кемадаги барча хазинанинг ярмига яқин келар эди.

Яна беш йилдан сўнг у ўзининг шўнғувчи машинаси билан тағин шу ерга келади. Лекин 1732 йили фақат биттагина сандиқни сув остидан чиқаришга муваффақ бўлади. 1733, 1734 йилларда у тағин икки марта хазинани излайди. Лекин бу сафар қилинган иш ҳаражатни қопламайди...

Энди менга ҳамма нарса аён эди. Демак сув остида юздан 250 тагача кумуш қуймаси қолган. Шунингдек, сув остида яна кўпгина қимматбаҳо буюмлар қолиб кетган.

Илгаримари мен билан экспедицияга чиққан Луи Горс, белгиялик Ален Финк ва Мишель Ганглоф ҳамда Роже Перкен деган француз йигитлар бу сафарга чиқишга ҳам жон деб рози бўлишди. Шундай қилиб апрель ойида мен биринчи разведкага бордим...

Орадан яна бир неча муддат ўтгач, оролга бутун группа етиб келди. 19 июнь куни бизнинг «Зара» деган баржамиз Порту-Санту соҳилидаги жанубий пляжга етиб келди. Яна олти соатдан кейин юк машинамиз оролга тушди...

Эртасига бизнинг резинка қайиғимиз оролнинг шимолий қирғоғини айланиб чиқди. Бу ерга машинада боришни ўйлаб ўтирмаса ҳам бўларди. Ҳаммаёқни қоп-қора тошлар қоплаб ётар, худди хаёлий манзарага ўхшаш лава қуйқалари қотиб қолган эди. Бу ерда ҳеч қандай кема ҳам чидаш беролмайди... Денгиз ниҳоятда соқин, чойдек илиқ эди. Мен дўстларимга шароитнинг оғирлигини олдиндан айтиб қўйгандим. Ҳозир эса бундай осойишта манзарани кўриб, ўзимиз ҳам қойил қолдик.

(Давоми бор).



Ўқувчиларнинг ёзги каникули давом этмоқда. Ушбу сурат областимизнинг Бўстонлиқ районида жойлашган Гагарин номли пионерлар лагерида олинган. Хушманзара тоғ этагида жойлашган ушбу лагерда ҳозир ҳамшаҳарларимизнинг юзлаб фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Шаҳарнинг 25-асрига саёҳат

«Самарқанд — 25-аср шаҳри» Тошкент тўқимачилик комбинати комсомоллари ана шундай фотоальбом тайёрладилар. Бундай альбом қадимий шаҳарга тўқимачи ёшлар группаси икки кун сафар қилганидан кейин тайёрланди. ВЛКСМ XVIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа ғолиблари бўлган Илёс Губайдуллин, Александр Субботин, Зинаида Ҳайдарова ва Любовь Хегай бошлиқ тўртта комсомол-ёшлар бригадаси Самарқандга сафар қилиш ҳуқуқига эга бўлган эди.

Тўқимачилар мусобақаси шартларида Ўзбекистоннинг хушманзара жойларига бепул сафар қилиш ҳақидаги модда ҳам бор.

(ЎзТАГ).

ТЕРЕКДАГИ ХИЁБОН

Бамисоли посбонга ўхшаш қадди келишган теракларнинг унча катта бўлмаган бу салқин хиёбонининг оромини сақлаб турганидек. Бетон деворига Кавказ манзараси, А. С. Пушкин сурати туширилган. Гранит тошга қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «Кавказ ўз оғушига бизни олди». Шимолий Осетия пойтахтидаги машҳур Пушкин хиёбони кўпдан-кўп меҳмонлар олдида шу тахлитда намоён бўлади. Ҳозир ана шу адабий-тарихий ёдгорлик реконструкция қилиб бўлинди.

Хиёбоннинг ажойиб тарихи бор. Екатерина II замонида Владикавказ қалъасида солдатлар учун черков қурилиб, унинг ёнгинасида Харбий Грузия йўлидан келаётган, «йўловчи жаноблар учун» унча катта бўлмаган қўноқ сарой барпо этилган эди. А. С. Пушкин 1829 йилда Тифлисга бора туриб, йўлда ана шу уйга қўнган эди. Шоир Арзрумдан қайта туриб ҳам Терендаги ана шу қалъада яна бир бор тўхтаган.

Ўшандан буён сонин Владикавказ саройида кўпгина атоқли рус ёзувчиларн бошпана топади.

Йиллар ўтаверди. Владикавказдаги сарой эскириб кетди ва шаҳар маъмурларининг буйруғига биноан ўтган асрда бузиб ташланди. Лекин Пушкин шеърияти ихлосмандларининг ташаббуси билан ўша ҳовлининг ўрнида Пушкин хиёбони вужудга келди.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*



Фақат гиламларгина эмас, балки сунъий ва табиий толалардан елимлаш методи ёки тўқиш йўли билан амалга оширилган бошқа ҳар қандай гилам маҳсулотлари ва полосларни химчистка топшириш мумкин.

ГИЛАМЛАРИНГИЗНИ ЯҚИНДА ОЧИЛГАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФАБРИКА ТОЗАЛАБ БЕРАДИ.

БУЮМЛАРНИ ТОЗАЛАШ ҚУЙИДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРДАН ЎТАДИ: **чангини тозалаш, ювиш, доғларини кетказиш.**

ТОЗАЛАШ УЧУН ЮҚОРИДАГИ БУЮМЛАР ЧЕКЛАНМАГАН УЗУНЛИКДА, АММО ЭНИ 4 МЕТРДАН ОРТМАГАН ТАҚДИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳақ прейскурант бўйича тўланади.

Келажакда гиламлар, гилам маҳсулотлари ва полосларни уйга қайтариб элтиб бериш йўли билан қабул қилиш ташкил этилади (бу унчалик кўп ҳақ талаб этмайди). Аҳолига қулайлик яратиш учун гилам маҳсулотларини тозалашга қабул қиладиган ўнта ихтисослашган пункт ташкил этилган:

УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ ВА ИШ ВАҚТЛАРИ:

ЛЕНИН РАЙОНИ

16 ПУНКТ — ЦУМ ёнида. Иш вақти соат 10.00 дан—19.00 гача, дам олиш кунлари —якшанба, душанба.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

5 ПУНКТ — Ш. Руставели кўчаси, 28-уй. Соат 8.00 дан — 20.00 гача ишлайди. Дам олиш кунисиз.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

21 ПУНКТ — М. Горький проспекти. Соат 8.00 дан—20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

7 ПУНКТ — Гагарин кўчаси. Соат 8.00 дан — 20.00 гача ишлайди. Дам олиш кунисиз.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

53 ПУНКТ — Беруний кўчаси. Соат 10.00 дан—19.00 гача. Дам олиш кунлари якшанба, душанба.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

30 ПУНКТ — Маиший хизмат уйи («Москва» кафеси биносида). Соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

3 ПУНКТ — Студентлар шаҳарчаси. Соат 8.00 дан — 20.00 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

КИРОВ РАЙОНИ

24 ПУНКТ — Бодомзор кўчаси, маиший хизмат уйи. Соат 9.00 дан — 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари —якшанба, душанба.

ҲАМЗА РАЙОНИ

4 ПУНКТ — Лисунов кўчаси, 9-уй. Соат 8.00 дан 20.00 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

11 ПУНКТ — Маиший хизмат уйи. Соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба.

АГАР СИЗ ХОҲЛАСАНГИЗ ГИЛАМЛАР, ГИЛАМ БУЮМЛАРНИ ИСТАЛГАН БОШҚА ПУНКТГА ҲАМ ТОПШИРИШИНГИЗ МУМКИН.

УЙДА ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАРНИ ПЕНОЧИСТКАЛАШ

«ХИМЧИСТКА» фабрикасининг бу янги хизмат тури яқингинада ташкил этилганига қарамай, ҳозирдаёқ у пойтахтимиз аҳолиси ва ташкилотлари диққатини ўзига тортмоқда.

Ишлов бериладиган буюмларнинг миқдоридан қатъий назар уларни тозалаш учун уйга хизматга чақирилганлиги учун 50 тийин тўланади.

Бир дона кийимни тозалаш вақти ишлов бериладиган майдонига қараб 10 минутдан 40 минутгача давом этади.

Хизмат кўрсатиш кўчма бригадалар томонидан амалга оширилади. Малакали мутахассислар жойларнинг ўзида мазкур буюмларнинг пеночистка имкониятн даражасини белгилайдилар.

Пеночистка гилам буюмларнинг (табиий ва сунъий толалардан тўқилган) **рангини тозалайди, ифлос бўлишдан сақлайди. Ишлов берилган газмол бирмунча ёрқин тус олади ва юмшоқ майин бўлиб қолади.**

УЙГА ҚАНДАЙ ЧАҚИРИШ МУМКИН?

Бунинг учун исталган телефон номерини териш ва сиз хизмат кўрсатаётган ходимнинг ўзингиз учун қулай вақтини топишнинг ўзигина кифоя.

ЭСДА ТУТИНГ

53—20—54

(заявкалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади)

33—56—58

(аризалар дам олиш кунисиз ҳар куни 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади).

Бригаданинг дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

Сайёр бригаданинг иш сифати бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Западная кўчаси. 1-уй. «Химчистка» фабрикасининг дирекцияси. (18-автобус. 7, 14, 24-трамвайлар) ёки телефон бўйича: 53—48—33.

Телефонлар номерларининг яна бир бор эслатиб ўтамиз: 53—20—54: 33—56—58. Ана шу исталган телефонлар орқали бошқа заказлар ҳам буюриш мумкин. Жумладан уйга кириб буюмларни тозалаш учун олиб кетишни илтимос қилиш мумкин.

ҚЎШИМЧА СПРАВКАЛАР:

— заявкалар заказчининг қайси районда яшаб турганидан қатъий назар қабул қилинаверади.

— Буюмларнинг миқдори чегараланмайди.

— тозалаш учун тўланадиган ҳақ одатдаги тариф бўйича олинади

— уйга чақирганлик ва ҳар бир буюмни қайтариб уйга элтиб берганлик учун қўшимча равишда 50 тийин ҳақ ундирилади.

— буюртмани бажариб бериш муддати — 7 кун.

— Буюртмачининг айби билан ўз вақтида олинмаган тоза буюмларни қуйидаги адресдан олиш мумкин: Западная кўчаси, 1-уй (18 автобус, 7. 14. 24-трамвайларнинг «Химчистка» фабрикаси» бекати) ёки 5—филиалдан.

Бизнинг бошқа хизматларимиздан ҳам фойдаланишингизни сўраймиз. Унинг асосийларидан бири — кийим-бош ва бош кийимлари, галстуклар. тўр буюмлар шерсть ва ярим шерсть оделлар ва бошқалардир чунончи кийимларни (резиналашган плашлар ҳам). бахмал буюмлар, газмоллар (синтетик буюмлардан ташқари)ни қайта бўяш билан тиклаш мумкин.

ЯНА ИККИТА ХИЗМАТ ТУРИНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

Кийимларни антистатистик ишлов бериш ва шерсть. ярим шерсть ҳамда шунга хос буюмларни куяга қарши туйинтириш учун буюртмалар қабул қилади. Буни фақат қуйидаги адресдаги 2 филиалда амалга ошириш мумкин. Чилонзор массиви. 1 квартал, Пионерская кўчаси.

АГАРДА СИЗ БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ТЕЗ-ТЕЗ ФОИДАЛАНИБ ТУРСАНГИЗ, БУЮМЛАРИНГИЗ ДОИМ АЪЛО КЎРИНИШДА БЎЛАДИ.



«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

КИНО

9 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— Эй, бахтли инсон! (18.45).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона «МОСКВА» (17.30, 19.00), «НУКУС» (17, 19, 20.45), «ЧАЙКА» (18, 20, 21.30).

Жандарм уйланади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (18, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

(Соат 20.45, 22.30 да бошланади)

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона— «ФЕСТИВАЛЬ».

10 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Эй, бахтли инсон! (10.00, 13.15, 16, 18.45).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Жандарм уйланади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

(Соат 20.45, 22.30 да бошланади)

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона— «ФЕСТИВАЛЬ».

Фақат иккимиз —«ХИВА».

ДОИМИЙ ИШГА

Промвентиляция ва кондиционлаштириш бўйича юқори малакали инженер ва фреонли совутиш қурилмалари бўйича инженер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

9 АВГУСТ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ нотолар». 19.00 «Инсон ва қонун» 19.30 Ф. Мендельсон. 1-симфония. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник оркестри ижро этади. 20.05 «РСФСР Олий Советининг депутатлари ҳақида ҳикоя қиладилар». 20.25 «Диалог» Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳужжатли экран». 23.05 «Лирик тароналар». 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер езн». 18.30 «Оқ олтинга—олий сифат». «Зарабулоқ пахта тозалаш заводи коллективининг ташаббуси кенг қулоч ёйсин». 18.55 «Ривожланган социализм шароитида КПСС-нинг аграр сиёсати». «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг жанговар программаси». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Бола бошидан...». Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари учун чиқариладиган болалар мебелининг сифати ҳақида (рус.). 20.00 «Нафосат оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Шу куннинг қўшиқлари». Концертда М. Раҳимова, М. Ҳошимова, И. Турдиалиев иштирок этадилар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвачилик: тажриба ва муммолар». 22.15 «Соат 12 да бошлиқ келади». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Тегирмон қулагандан кейин». Бадиий фильм. 20.15 «Тошкент» телепрограммаси. «Қадимий маршлар ва вальслар». Телевизион фильм-концерт. 21.00 «Тошкент» телепрограммаси.— Калинин райони бош йиллик вахтасида». 21.30 «Ер ва эл». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «ВАМ даласи», «Ҳаёт артериялари».

10 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Рязанские ложкари» болалар ансамбли ижро этади. 10.25 «Диалог» Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.30 «Қишлоқ келинлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти. 15.00 Ишларни касбларга йўналтиришга бағишланган телевизион фильмлар программаси. 16.15 «Рус тили». 16.45 «Объектив». 17.15 Воскресенск «Минудобрения» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат коллективи ҳақида очерк. 17.45 «Усмирлар ижоди». «Россия» концерт залидан олиб кўрсатилади.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 18.55 «Беш йиллик қурилишларида». Норак ГЭСи. 19.25 «Халқ ижоди». 20.10 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». Ухтомск номли Люберецк заводи партия комитетининг секретари Л. И. Бочков сузи. 20.20 «Диалог». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Абай номли Қозоғистон Давлат академик опера ва балет театри артистларининг концерти. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қу..и гул Фона». Болалар учун мультфильм. 18.20 «Қуешли ўлка маршрутлари». 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади «ССО-78. «Тошкентлик гагаринчилар» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбекистон янгиликлари». От спорти ҳақида кўрсатув. 20.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг уйғур ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Чингиз Аҳмаров». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 21.00 «Опера театрида премьера». Андрей Петровнинг «Оламнинг яратилиши» балети ҳақида. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!» «Завод — қишлоққа». Тошкент трактор заводидан репортаж. 22.15 «Унинг қайлигиман». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қорақумда» Бадиий фильм. 20.20 Эстрада куйлари. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 Реклама. 21.20 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак» (рус.). 21.50 «Анатолий Папанов билан учрашув». Фильм. портрет (рус.)

Октябрь район ошхоналар трести маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти Октябрь район ошхоналар трестининг собиқ директори Ҳ. Маҳмудовга умр йўлдоши

Муҳаррамхон МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

9 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000: ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—13092. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1375.